

# МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛА ШАХСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Норбошева Мақсуда Ачиловна

Термиз ДУ, Мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси

email: maqsuda\_pedagog@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача ёш давридаги болалар шахсининг шаклланишида мулоқот мулоқот жараёнининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, болаларда мулоқот кўникмаларини ривожлантириш шарт-шароитлари ва дидактик ёндашувнинг аҳамияти хусусида мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача ёш, бола, мулоқот, ижтимоий-психологик ривожланиш, хусусиятлар, нутқ тафаккур шахслараро муносабат, мулоқотга ўргатиш, ўйин, халқ оғзаки ижоди, мулоқот одоби, таълим фаолияти, норасмий мулоқот элементлари, дидактик, ижодий, сюжетли ролли ўйинлар, хулқ-атвор, шахс шаклланиши.

Жаҳонда мактабгача тарбия давридан бошлаб боланинг когнитив соҳасини ривожланиши, боладаги эгоцентрик нутқ, нутқ ва тафаккурнинг узвийлиги, мулоқот мотивларининг шаклланиши борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Бутун жаҳон болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ташкилоти UNICEF томонидан «...ҳар қандай мамлакатнинг келажаги бевосита болаларнинг фаровонлигига ва уларнинг ривожланиш имкониятларига боғлиқ»<sup>1</sup> лиги қайд этилиб, мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришни амалга оширишнинг ўзига хос психологик ёндашувларига эътибор бериш, шу жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш орқали мактабгача ёшдари болалар мулоқотини ижтимоий-психологик шакллантириш, тафаккур эркинлиги, фикрлаши ва мулоқот фаоллигини тарбиялаш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда мактабгача ёш давридан болаларнинг интеллектуал, коммуникатив, ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш масалаларида мулоқот усулларини танлаш, хулқ-атвори шаклланишида шахслараро муносабатлар таъсирини аниқлаш, унинг тенгдошлари гуруҳида референт ўрнини қарор топтириш ва барқарорлаштиришга оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, инсон шахсига болалик давридан олий қадрият сифатида ёндашиш, унинг мулоқотини ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан шакллантириш орқали унинг учун бевосита аҳамиятли бўлган катталар ва тенгдошлари билан ижобий мулоқот кўникмаларини ўрнатишда зарур бўлган ижтимоий муҳитнинг ривожлантирувчи ва ингибицион (тормозловчи)

<sup>1</sup> Конвенция о правах ребенка. <https://www.un.org/ru/global-issues/children>

таъсирини аниқлаш асосида ота-оналар, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари, психолог-мутахассислар фаолиятига зарур бўладиган психологик йўриқномаларни яратиш масалаларига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга йўналтирилган стратегик вазифалар белгиланиб, зарур меъёрий асослари яратилди: «Боланинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятли намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш»<sup>2</sup> муҳим вазифалар сифатида белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур илмий тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Хориж олимлари W.Dammon, L.Harvey, Z.Freyd, G.Krayg, K.A.Kerns, M.H.Mallers, A.Maslow, A.Piz, J.Piajet, I.Thompson ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларда боланинг тенгдошлари билан муносабатлари муваффақияти мактабгача ёшда шахс ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланиши ва бевосита шахс психологик тузилмалари: ҳиссиётлар, мотивлар, ўз-ўзини англаш, шахсий фаолият ва ташаббускорликни шакллантириш муаммолари ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан К.А.Абульханова-Славская, Б.Г.Ананьев, А.Г.Асмолов, А.А.Бодалев, Л.И.Божович, Л.С.Выготский, М.В.Гамезо, М.И.Лисина, В.С.Герасимова, В.В.Давидов, Т.А.Думитрашку, А.Д.Кошелева, В.С.Мухина, Л.М. Орлова, Г.Б.Тагиева, Р.Ж.Мухамедрахимов, А.В.Петровский, А.И.Цетинина, Д.Б.Эльконин ва бошқаларнинг тадқиқотларида мактабгача ёшдаги психик тараққиёт даври болада ўзлигини англаш, эҳтиёж ва мотивларни юзага келиши ва «Мен» концепцияси шаклланишининг муҳим босқичи сифатида тадқиқ этилган.

Республикамиз олимларидан мактабгача ёш даврида мулоқотнинг шаклланиши муаммоси билан Ш.Д.Бекова, М.Г.Давлетшин, Ш.Дусмухамедова, А.М.Жабборов, В.М.Каримова, Л.Назирова,

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон.

З.А.Расулова, М.Ш.Расулова, Р.И.Суннатова, Б.М.Умаров, Ў.Б.Шамсиев, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар тадқиқотларида шахс шаклланишида мулоқотнинг ўрни, ижтимоий муҳит, оила ва оилавий муносабатлар, шахснинг ижтимоийлашуви масалалари, шахс хулқ-атвори шаклланишида ижтимоий-психологик омиллар, шахслараро муносабатлар таъсири ва коммуникатив қобилиятларнинг роли тадқиқ этилган.

Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши муаммоси юзасидан хориж ва МДХ давлатлари тадқиқотчилари Л.И.Божович, Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, Е.Т.Соколова, А.Б.Орлов, М.И.Лисина, В.С.Мухина, Г.Б.Тагиева, В.М.Слуцкий, Н.И.Непомнящая, Р.Бриттон, А.Грин, В.А.Петровский, Г.Г.Филиппова, Ю.Б.Гиппенрейтер, А.Я.Варга, Ш.Дўсмухамедова, А.Д.Кошелевалар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида психологик омилларни хусусан, бола шахсининг индивидуал-психологик ва психогенетик хусусиятлари, ҳар бир болага нисбатан индивидуал ёндашиш ҳамда ўзига хос таълим жараёнини ташкиллаштириш, ва шу кабиларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтадилар.

Рус тадқиқотчилари қарашларининг ўзига хослиги шундаки, боланинг катталар билан ўзаро алоқалари ота-оналар хулқ-атвори боланинг ривожланиш манбаи, билиб олиш фаоллиги, мулоқот ва ўзини англаш субъекти сифатида баҳоланади.

Ўзбекистонда психология илмининг йирик вакиллари Э.Ғ.Ғозиев, ўзбек халқининг этнопсихологияси ва болалар тарбиясини ўрганар экан, унинг мулоқот мароми ва бошқа хусусиятлари турли халқларникидан маълум даражада тафовутланишини, В.М.Каримова, ота-оналарга хос хусусиятлар уларнинг фарзандларига ҳам худди шу сифатларни шаклланиши имконини беришлигини, Б.Р.Қодиров оила ва истеъдодли болалар муаммолари ва ечимларини, болалардаги ички имкониятлар оилавий муҳит таъсири остида шаклланиб боришида ота-оналарнинг шароит яратишларини, Т.М.Адизованинг илмий ишларида ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахсининг мулоқотга киришувчанлик сифатларини оиладаги ўзаро муносабатларни ўрганиш асосида аниқлашга муваффақ бўлганлар.

М.Салаева, К.Х.Раҳимовалар тадқиқотларида эса, айнан бизни қизиқтирган мактабгача ёшдаги болалардаги маънавий тасаввурларни шакллантириш хусусиятлари, А.Кадирова диссертация тадқиқотида ота-оналар ва уларнинг ўз фарзандларига бўлган муносабати ўрганилган. Э.И.Ганеева ўз илмий изланишида таълим-тарбия жараёнида ўсмирларда индивидуал муомала услубини шаклланишини ўрганиш бўйича тадқиқ қилган. З.П.Қличева тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ёши, жинси ва этнопсихологик хусусиятларини мулоқот сифатлари билан боғлиқликдаги динамикаси, Ш.Бекованинг тадқиқотида мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари ўрганилган. Аммо, мактабгача ёшдаги бола шахсининг шаклланишида мулоқотнинг ҳал қилувчи ижтимоий-психологик

компонентлари алоҳида тадқиқ этишни талаб қиладиган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирларидан Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр асарларида кишилар ўртасидаги муомала-муносабат, инсоний фазилатлар ифодаланган.

Бизнинг илмий тадқиқотимизда эса, мактабгача ёшдаги бола шахсининг шаклланишида мулоқотнинг ўрни, уни амалга оширилиш усуллари, мулоқот жараёнида эмоционал яқинлик, мулоқот жараёнида оила муҳити ва мактабгача таълим ташкилоти муҳитининг таъсири илмий асослаб берилди.

Илмий тадқиқотимиздан кўзланган мақсад мактабгача ёшдаги боланинг мулоқот субъекти сифатида ижтимоий-психологик ривожланиш хусусиятларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда мулоқот жараёнида мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш;

- мактабгача ёш давридаги болалар мулоқотининг ёш ва жинс фарқларини аниқлаш ҳамда ўзини ўзи англаш ва баҳолаш жараёнининг шахс шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш;

- мулоқот жараёнининг ифодаланиши ва намоён бўлишига кўра мактабгача ёшдаги болаларда шахс хусусиятларини ривожлантириш имкониятларини, ота-оналар ва тарбиячиларнинг болага муносабатини аниқлаш;

- мактабгача таълим ташкилотларида мулоқот жараёни орқали шахс хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик самарали усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, илмий-психологик тавсиялар яратиш вазифалари белгилаб олинди.

Тадқиқотимизнинг объекти сифатида мактабгача ёшдаги болаларнинг мулоқот субъекти сифатида ижтимоий-психологик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш жараёни танланган бўлиб, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Шеробод тумани, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 134 нафар мактабгача ёшдаги болалар, 120 нафар мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари, 80 нафар ота-оналар жалб этилди. Респондентларнинг умумий сони 334 нафарни ташкил этди. Тадқиқотда В.М.Холмогорова ва И.А.Орлова ларнинг «Тенгдошлар билан мулоқотни ривожланганлик диагностикаси», Г.Т.Хоментаскасининг «Оила расми», В.Г.Шурнинг «Зиначалар», М.Кун, Т.Макпартлэндларнинг «Мен кимман?», «Сен кимсан?» тестининг «Кел, танишамиз!», «Сен кимсан?» модификацияси, А.Я.Варга, В.В.Столинларнинг «Ота-оналар муносабати» сўровномаси усулларида фойдаландик.

Мактабгача ёш даврида болани мулоқотга ўргатишнинг ўйин ва халқ оғзаки ижоди, мулоқот одоби шакллари кўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта, шунингдек таълим фаолиятига норасмий мулоқот элементларини киритиш, дидактик, ижодий, сюжетли ролли ўйинлардан фойдаланиш,

уларда мулоқот ташкилотчиси ролини тарбиячи эмас, болалар бажаришига эътиборни қаратиш лозим. Бола шахсининг уйғун шаклланиши учун ўйиннинг аҳамияти беқиёсдир. Бола ўйин ёрдамида баъзи мақсадларни белгилашни ўрганади ва уларга эришишга интилади. Ўйин болада ихтиёрий аклий жараёнларни ривожлантиради (хотира, диққат ва бошқалар). Ўйинда эмоционал далда бериш бола учун қўшимча рағбатга айланади. Ўйин давомида мантикий нутқ, мулоқот, нозик қўл ҳаракатларини, шунингдек, образли ва мавҳум фикрлашни ривожлантириш осонлашади. Ўйин – бу боланинг ўзини намоёни қилиши ва ўзини ўзи такомиллаштириш усулидир.

Маълумки, ижтимоий муносабатлар жараёнида нутқ ва мулоқот ривожланади. Чунки жамиятда бола катталар, тенгдошлар, тарбиячилар ва турли жамоалар қуршовида бўлар экан, у саволлар беради, кузатади, мулоҳаза қилади. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни тушунишга, яхшини ёмондан ажратиш олишга, ўз ҳаракатларини давр талабига мослаштиришга уринади. Шунингдек, бола шахсининг ривожланиши учун фаол мулоқот ва кундалик фаолият зарур. Фаолият ва мулоқот ёрдамидагина бола атроф-муҳит билан муносабатда бўлади, шу орқали унинг билиш қобилияти ривожланади, тафаккур қилиш даражаси юксалади, характер сифатлари такомиллашиб, камол топади.

Олинган натижалардан маълум бўлишича, синалувчиларнинг «Ота-онага бўлган муносабати» кўрсаткичи 5-6 ёшли ўғил болаларда «Онага бўлган муносабат» ва «Устунликка интилиш» шкаласи кўрсаткичи қиз болаларга нисбатан юқорилиги кузатилди. Буни биринчидан, болаларнинг ёши ортиб бориши, гендер ва этнопсихологик хусусияти ҳамда ҳудудий хусусиятига кўра изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз.

5-6 ёшли болаларнинг эмпирик кўрсаткичлари бўйича корреляция коэффиценти аниқланганда янада ўзига хослик ҳамда 3-4 ёшли болаларнинг натижаларига хослик ҳам кузатилди. Ушбу ёш босқичдаги мактабгача ёшдагиларнинг оила бошлиқлари сифатида онага бўлган муносабати ижобий аҳамият ҳосил қилиши отага бўлган муносабатини, оила бошлиқлари сифатида ота-онага бўлган муносабат, ака-укага, опа-сингилларига бўлган муносабат, тарбиячисига бўлган муносабатни ҳам ижобий бўлишини таъминламоқда.

Эмпирик кўрсаткичлар ўзбек оиласида она тарбиячи сифатида боланинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатининг маромида кечишига йўналтирувчи сифатида етакчи рол ўйнар экан. Мактабгача ёшдаги болалар эса фаолият субъекти сифатида социаллашув учун зарур бўлган ҳар бир мулоқот элементини ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва шахс сифатида шаклланади.

Шунингдек, биз тадқиқотда мактабгача ёшдаги болаларда шахс хусусиятларининг шаклланишида ўзини-ўзи англаш жараёнини ўрганиш мақсадида В.Г.Шурнинг «Зиначалар» методидан фойдаланилди. Мазкур методика ёрдамида боланинг ўзини англашини тадқиқ этиш натижасидан олинган маълумотлар мактабгача бўлган ёшдаги катта болаларнинг

аксарияти (49%) ўзи тўғрисидаги тасаввурлари шубҳасиз яхши ҳисоблайдилар, 47% болалар ўзини «жуда яхшилар», 4% болалар эса умуман олганда «яхши бола бўлиш» қаторига киритган, бу эса ушбу ёшдаги болалардаги ўзига нисбатан юқори баҳо бўлиб, ўзини баҳолаш адекват эмаслигини кўрсатади.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу ёшдаги барча болаларда ўзига юқори баҳо бериш ривожланган бўлиб, кўриб чиқилган ўзини баҳолашнинг индивидуал кўринишлари унинг шаклланиши жараёни аслида мураккаб эканлигини ҳамда боланинг ўз «Мен»ини баҳолаши билан ота-оналарнинг ўзларини реал баҳолари ўртасида муайян алоқа борлигини кўрсатади. Келажакда катта ёшга етгандаги образ ҳақида салбий нуқтаи назардан баҳолаш, беташвиш болаликка қайтиш ва ҳар доим сеvimли болакай ролида қолиш истаги айрим шу ёшдаги болаларга хос бўлиб, бунинг сабабини бола онгидаги ҳамда кутилаётган катта ёш тўғрисидаги ноадекват баҳолаш билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, катта мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий тасаввурлари тизимида мактаб фаолияти билан боғлиқ бўлган тушунча ва тасаввурлар ҳам борки, улар ҳам маълум маънода ота-она таъсирида, оиладаги шахслараро муносабатларга боғлиқдир.

Мактабгача ёшдаги боланинг тенгдошлари билан муносабатлари соҳаси ақлий ва шахсий ривожланиши учун аҳамиятлидир. Тенгдошларнинг талаблари билан боланинг ўйиндаги объектив имкониятлари ўртасида, шунингдек, бола ва тенгдошларнинг етакчи эҳтиёжлари ўртасида уйғунлик бўлиши зарур. Бундай изчилликнинг йўқлиги боланинг тенгдошлари билан муносабатларининг бузилишига ва натижада салбий шахсий ривожланишга олиб келиши мумкин. Айниқса, мактабгача ёшдаги мулоқотда муаммолар пайдо бўлишига ёрдам берадиган ташқи шарт-шароитлар: оиладаги муносабатларнинг бузилиши, болаларга ота-она муносабатининг ўзига хос хусусиятлари ва тарбиянинг ноқулай шарт-шароитлари муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, тадқиқот натижаларидан аниқланишича, ота-онанинг фарзандига муносабати унда мулоқотчанликнинг ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланди.

Бизнинг илмий тадқиқот ишимизда мактабгача ёшдаги болаларда мулоқотга киришувчанлик хусусиятларини ривожлантириш бўйича психологик коррекцион дастур ишлаб чиқилди. Олиб борилган психологик коррекцион иш иккита босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичида, ота-оналар бола билан «Ота-она ва бола» тизимида, иккинчи босқичида эса, тарбиячилар бола билан «тарбиячи-бола» тизимида психологик тренинг машғулоти ўтказилди.

Шунингдек, тадқиқотда ота-оналарни ўз фарзандларини меҳрибонлик, раҳмдиллик, ширинсуханлик, хушмуомалалик, ғамхўрлик, меъёрий талабчанлик, ўзаро симбиоз ва хоказо каби ижобий мулоқот сифатларини шакллантириш мақсадида, ота-оналарнинг бир қанча муносабат турларини ижобий қўллашга бўлган мойиллиги ва иштиёқмандлигини аниқлаш ва

ривожлантириш учун махсус психологик тестлар ва «Мулоқот» психологик тренинг машғулотларидан фойдаланилди.

Илмий тадқиқотимизнинг амалий натижалари шундаки, мактабгача ёшдаги бола шахсининг ривожланишида мулоқотнинг таъсири бўйича ишлаб чиқилган психокоррекцион дастур Термиз давлат университети, Қарши давлат университетининг ўқув жараёнига ҳамда вилоят мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти жараёнига жорий этилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг шахс сифатларини шакллантиришда мулоқот имкониятлари (идентификация, эмпатия, хайрихоҳлик) даражасини кенгайтиришга асосланган ривожлантирувчи ўйин ва машқлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, вилоят мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда Республика ижтимоий мослашув маркази фаолиятига жорий этилган;

мактабгача ёшдаги болаларда мулоқотга киришувчанлик хусусиятларини ривожлантиришда ота-оналар ва тарбиячиларга мўлжалланган дидактик-ролли ўйинлар, ривожлантирувчи ўйин-машқлар, педагогик-психологик усул ва тренинглардан иборат психокоррекцион дастур ишлаб чиқилган;

«Ота-оналар ва тарбиячилар учун мактабгача ёшдаги болаларда мулоқотга киришувчанлик хусусиятларини ривожлантириш бўйича психологик коррекцион дастур» Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда унинг минтақавий филиаллари фаолиятига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача ёшдаги болалар шахси ривожланишида мулоқот таъсирининг психологик хусусиятлари мулоқотнинг индивид шахси ва психик хусусиятлари ривожланишига таъсири ва шу орқали улар шахсида юксак фазилатлар, фаолият турларига қизиқувчанлик, лаёқат ва қобилиятларини шакллантириш бўйича илмий ғояларни назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади, тадқиқотдан олинган натижалар умумий психология, оила психологияси, педагогик психология, шахслараро муносабатлар психологияси, онтогенез психологияси, дифференциал психология ва ижтимоий психология фанларида мактабгача ёшдаги болаларнинг мулоқот жараёнида шахс хусусиятлари шаклланишининг психологик омилларини ўрганиш юзасидаги тадқиқотларни илмий жиҳатдан асослаб бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар, хулосалар ва илгари сурилган ғоялар мактабгача ёшдаги болаларда мулоқот жараёни таъсири орқали шахс хусусиятларини ривожлантиришнинг психологик омиллари тўғрисида муайян назариянинг шаклланишига хизмат қилади, олинган эмпирик натижалар мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг таълим-тарбия фаолиятларида, ота-оналарнинг фарзандлари билан бўлган муомала муносабат фаолиятларида, ушбу йўналиш бўйича услубий қўлланмалар ва тавсиялар яратишда, оммавий ахборот воситаларида мавзу доирасида махсус кўрсатувлар, рукнлар, радиоэшиттиришлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги амалий **тавсиялар ишлаб чиқилди:**

1. Мактабгача ёшдаги болаларни мулоқотга киришувчанликка ўргатиш орқали шахс сифатларини ривожлантирувчи коррекцион дастурлар ишлаб чиқиш ва ундан педагог ҳамда ота-оналарнинг кенг фойдаланишларини жорий этиш.

2. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи ва болалар мулоқотини самарали ташкил этишга қаратилган тренинг курсларини йўлга қўйиш.

3. Оилада мактабгача ёшдаги болаларни мулоқот маданиятига ўргатиш бўйича катталар ва ота-оналар учун психологик тренинг-машқлар курсини ташкил этиш. (Келин-куёвлар ўқув курслари ҳамда ота-оналар университетлари орқали).

4. Мактабгача таълим ҳамда мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси таълим йўналишларида «Мулоқот психологияси» танлов фани сифатида ўқитилишини йўлга қўйиш.

5. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда тарбиячи ўзининг одатий жамоавий авторитар усулидан воз кечиб, болаларнинг ҳар бири билан ҳамкорлик ва хайрихоҳлик муносабатини йўлга қўйишни таъминлашга эришиш.

6. Бола ҳаётининг дастлабки саккиз йили мобайнида индивидуал хусусиятлар шаклланиши, рухий ривожланишлар содир бўлишидан келиб чиқиб, ота-оналар ва тарбиячилар шу ёш даврида болаларда ижобий шахс сифатларини шакллантиришда мулоқотнинг идентификация (ўзгаларнинг ҳолатини англаш ва ҳиссиётларини фарқлаш), эмпатия (катталар ва тенгдошлар билан вазиятга мос равишда мулоқот қилиш), хайрихоҳлик, самимийлик даражасини кенгайтириш ва креатив (мураккаб вазиятлардан конструктив чиқиш йўллари топиш, амалий ечим қидириш) хусусан, фаол мулоқот, ташаббускорлик, креативлик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Конвенция о правах ребенка. <https://www.un.org/ru/global-issues/children>
2. Каримова В.М. Оила психологияси. Дарслик. Т-2007
3. Махсудова М. Мулоқот психологияси. Ўқув қўлланма. Т-2012
4. Норбошева М. Мактабгача ёшдаги боланинг мулоқот субъекти сифатида ижтимоий-психологик ривожланиш хусусиятлари. Автореферат. Т-2022
5. Нарбашева, М. А. (2021). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОИЛА ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ ЎРГАНИШ. Педагогика ва психологияда инновациялар. (6), 94-101
5. Eshmurodov, O. (2022). ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ . Журнал



- Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7431>
6. Narbasheva, M. A. (2021). The importance of pedagogical and psychological literacy of parents in preparing children for school education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 728-732.
7. Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449>
8. Norbosheva, M. (2022). О ТЕХНИКЕ НАЧАЛА РАЗГОВОРА С КЛИЕНТОМ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ КОНСУЛЬТИРОВАНИИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7456>
9. Axmedov, V. (2022). МУҲАББАТ ҲИСЛАРИ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ГЕНДР ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7457>
10. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психология в современном образовании*, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
11. Alimardanova, R. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ЁШ КЕЛИН-КУЁВ ШАХСИНИНГ ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ЭМПИРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ . Журнал Педагогика и психология в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7458>